

**“ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ” V МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ**  
**“БОЛАЛАР АДАБИЁТИ” II КЎРГАЗМАСИ**  
**ПРЕСС-РЕЛИЗ**

**Тадбирни ўтказиш куни ва вақти:** 18-20 ноябрь, 2015 йил.

**Тадбирни ўтказиш жойи:** Тошкент шаҳри, “Ўзэкспомарказ” Миллий кўрғазмалар мажмуаси, 2-павильон.

**Тадбир ташкилотчиси:** Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Вазирлар Маҳкамаси кўмагида.

**Тадбирнинг мақсади ва мазмуни:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириш чораларига оид белгиланган тадбир ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон матбуоти” V миллий кўрғазмаси ҳамда мазкур тадбир доирасида иккинчи бор “Болалар адабиёти” кўрғазмаси ҳам ташкил этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мустақил тараққиёт йиллари барча жабҳалар қатори оммавий ахборот воситалари, матбаачилик, нашриёт соҳалари учун ҳам том маънода юксалиш даври бўлди.

Соҳанинг давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши замирида мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, юртимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш каби эзгу мақсадлар мужассам эканини алоҳида қайд этиш лозим.

Биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун кўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги қарори орқали оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналарига берилган солиқ имтиёзи натижасида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги корхоналарнинг ўзида жами 9,4 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги модернизация ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан оммавий ахборот воситалари, матбаа корхоналари ва нашриётлар фаолиятига рухсатнома ва лицензия олиш учун тўланадиган давлат божи ставкалари 2 баробарга камайтирилди.

Натижада 2015 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, Агентлик томонидан рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 1422 тага (688 таси газета, 295 таси журнал, 15 таси ахборотнома-бюллетень, 4 таси ахборот агентлиги, 65 таси телевидение, 31 таси радио, 324 таси веб-сайтлар), матбаа корхоналари 1677 тага, нашриётлар сони 112 тага етди.

Республика оммавий ахборот воситаларининг ривожланиш динамикасининг таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:

– ахборот соҳасини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар оммавий ахборот воситаларининг фаол ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди;

– оммавий ахборот воситалари амалга ошириладиган кенг қўламли ислоҳотлар очиклигини таъминлаб, фуқаролик жамияти институтлари тизимида муҳим ўрин тутиб бормоқда;

– нодавлат оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда фаол иштирок этмоқдалар;

– матбуот, телевидение ва радиоканалларнинг глобал интернет тармоғига киришига кенг имкониятлар яратилганлиги амалга ошириладиган ислоҳотлар сиёсатининг очиклигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

“Ўзбекистон матбуоти” V Миллий кўرғазмасида республикамизнинг етакчи даврий босма нашрлари ва нашриётлар иштирок этиб, матбуот ва ахборот соҳасида эришилган ютуқларни намойиш этмоқдалар. Бу йилги кўрғазмада марказий ҳамда худудлардаги ёшлар даврий нашрларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўрғазма доирасида республикамизда фаолият юритаётган нашриётларнинг босма маҳсулотларини, хусусан нашр этилган болалар китобларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этиш ҳамда маънавий-бадий жиҳатдан юксак савиядаги адабиётлар нашр этилишини қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини янада юксалтиришга ҳисса қўшиш мақсадида Иккинчи “Болалар адабиёти” кўрғазмаси ҳам ташкил этилган. Унда пойтахтда фаолият юритаётган 30га яқин нашриёт ва матбаа корхоналари ёшларнинг маънавий-маърифий эҳтиёжини қондиришга қаратилган илмий-бадий адабиётлари билан иштирок этиши кўзда тутилган.

Мазкур кўрғазма доирасида нашриётлар томонидан сўнгги йилларда чоп этилган янги китобларининг тақдимотлари, уларнинг муаллифлари, таниқли шоир ва ёзувчилар ҳамда ношир ва матбаачилар билан мулоқотлар ҳам ўтказилади.

Тадбирга ташриф буюрганлар оммавий ахборот воситалари ва етакчи нашриётлар томонидан ташкил этилган кўрғазма стендларини томоша қиладилар. Даврий босма нашрлар, ноширлар, матбаачилар меҳнати самарасининг тарғиботига бағишланган тадбирларда ўзбек матбуоти ва адабиёти, ноширчилиги ва матбаачилиги ютуқларини таҳлил этиш, босма маҳсулотларга бўлган аҳоли эҳтиёжи, бозор конъюнктураси ва маркетинги масалалари борасидаги мавжуд муаммолар ўрганилади, соҳанинг тараққиёт йўналишлари ва тенденциялари белгиланади.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

"Ўзбекистон матбуоти" миллий кўрғазмаси ва “Болалар адабиёти” кўрғазмаси доирасида "Йилнинг энг яхши китоби" республика кўрик танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

*Ташкилий қўмита*

*Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.*

*Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги,*

*Тел.: 244-12-61, 244-32-33.*

*e-mail: oav@api.uz – www.api.uz*